

KUBROVIYA TARIQATIDA «LATOIF» NAZARIYASI



Qoraboev Usmon Hosilovich

Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy Rassomlik va
dizayn instituti professori, “Turon” fanlar

Akademiyasi akademigi, falsafa fanlari doktori

E-mail: ulgurepla@gmail.com. тел: +99899 816 51 02

Annotatsiya. Maqolada “Kubroviya” tariqatining asoschisi Najmiddin Kubro «Latoif» nazariyasiga alohida ahamiyat berganligi haqida fikr yuritiladi. Unda koinot tafakkur, his, ruh, tana kabi ko‘rinmas markazdan iborat ekanligi va u maxsus mashqlar orqali holat, shakl va rang o‘zgarishi hosilasi asosida his qilinishi va ko‘rilishiga to‘xtaniladi. Kubroning ta’kidlashicha, muridning ruhiy holati uch tarkibiy qism: doira — bu koinot, dog‘ — dunyo obrazi, nuqta — borliq markazi (vahdat) ekanligi, nuqta esa mohiyatni anglab yetish — bu ilohiy dunyo ma’nosini anglashdir. Insonning ruhiy holati ranglar bilan bog‘lanadi. Kubroning fikriga ko‘ra, ranglar quyidagi o‘zgaruvchi tartibda joylashadi: oq, sariq, ko‘k, havorang, yashil, qizil, qora. Qora rang, nuqtaga erishish – koinot mohiyati, ma’nosini anglash, demakdir.

Kalit so‘zlar: Najmiddin Kubro, “Kubroviya”, tariqat, «Latoif» nazariyasi, koinot tafakkur, his, ruh, tana, tasavvuf, oq-sariq-ko‘k-havorang-yashil-qizil-qora ranglar.

Аннотация: Статья посвящена теории «Латоиф» основателя тариката «Кубравия» Наджмуддина Кубро. Он подчеркивает, что космос состоит из невидимого центра, находящегося в окружении сознания, чувств, духа и тела. И только с помощью специальных упражнений можно почувствовать изменения состояния, формы и цвета. Кубро подчеркивал, что духовное состояние человека должно пройти три составные части: круг, пятно и точка. Круг — это Вселенная, пятно — образ мира, точка — центр Вселенной(вахдат). Осознание сути точки — это осмысление сути божественного мира. Психическое состояние человека связано с цветами. Цвета в теории Кубро сменяют друг друга таким образом: белый — жёлтый — синий — голубой — зелёный — красный — чёрный. Эти семь цветов связаны с семью состояниями духа человека.

Ключевые слова: Наджмуддин Кубро, «Кубровия», тарикат, теория «Латоиф», космическое мышление, чувство, дух, тело, мистика, белый, жёлтый, синий, голубой, зеленый, красный, черный цвета.

Abstract: The article is devoted to the theory of “Latoif” by the founder of the Kubraviya tariqa, Najmuddin Kubro. He emphasizes that the cosmos consists of an invisible center surrounded by consciousness, feelings, spirit and body. And only with the help of special exercises can you feel the changes in condition, shape and color. Kubro said that a person’s spiritual state must go through three components: a circle, a spot, and a dot. The circle is the universe, the spot is the image of the world, the dot is the center of the universe (vakhdad). Understanding the essence of a point is understanding the essence of the divine world. A person’s mental state is related to flowers. In Kubro’s theory, colors change each other in this way: white — yellow — blue — light blue — green — red — black. These seven colors are associated with the seven states of the human spirit.

Keywords: imperial science, Russian Empire, local guides, natural experts, expeditions, Turkestan region, 19th century, geography.

Кириш.

XII – XIII аср тасаввуфининг энг ёрқин ва энг улуғ намоёндаларидан бири - буюк мутафаккир олим Нажмиддин Кубро бўлганлар. Унинг асл номи Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад ал – Хевакий ал – Хоразмийдир. Нажмиддин Кубро – тасаввуфнинг “Кубравия” тариқатининг асосчисидир. Бу тариқатининг асосий вазифаси - комил инсонни тарбиялашдир.

Шайх Нажмиддин Кубро ўнлаб асарлар муаллифи сифатида “Фиодобус соликин” (“Солиқлар одоби ҳақида”), “Рисола аттул хайф ул – хоим ан лавмат ил – лоим” (“Қўрқувчи оворалар ва маломат этувчи маломатийлар ҳақида”), “Фавойихул жамол” (“Ўзалликни эгаллаш”), “Рубойилар тўплами”, “Фавойихул жамол ва фавотихул жалол” (“Жамол хушбўйликлари ва жалолнинг кашфи”), “Ал-усул ал – ашара” (“Ўнта усул”), “Рисола ат-турук” номли асарлари яратган. Уларда Оллоҳни таниш, ҳалоллик ва мардликни улуғлаб, илм олиш ва илм бериш, мардлик ва поклик, қаҳрамонлик ва фидойилик, маърифат ва жисмоний-руҳий қудрат, инсон камолотида ахлоқий юксаклик, ватанпарварлик ғоялари олдинга сурилган.

Улуғ мутафаккир, тасаввуф тариқатининг машҳур намоёндаси Нажмиддин Кубронинг «Кубровия» - буюк ҳамда «Заҳабия» - олтин деб номланган таълимоти мусулмон дунёси маънавий ҳаётига катта таъсир кўрсатган.

Жуда кўп илм-фан соҳаларининг катта билимдони бўлган Нажмиддин Кубро инсон қалбини ҳис этувчи буюк руҳшунос ҳамдир. Унинг фикрига кўра, Хакни таниш йўлида мурид пири раҳнамолигида ўнта зинадан иборат тариқат пиллапоysi (Тавба, Зухд, Таваккул, Қаноат, Узлат, Тавжжух, Сабр, Муҳофаза, Зикр, Ризо)ни босиб ўтиши зарур.

Нажмиддин Кубро «Алсул ал ишара», «Рисола ат турук», «Фи ахбоб-ус соликин», «Фавойид ул жамол» каби асарларида «Латоиф» назариясига алоҳида ўрин беради. Бу назарияга кўра, коинот тафаккур, ҳис, руҳ ва тана кабилар ўраб турган кўзга кўринмас марказдан иборатдир. Суфий маҳсус машқлар орқали ҳолат, шакл ва ранг ўзгариши ҳосиласи бўлган бу марказни ҳис қилиши ва кўриши лозим.

Кубронинг таъкидлашича муриднинг руҳий ҳолати доира, доғ ва нуқта сингари уч таркибий қисмдан ўтиши зарур. Доира-бу Коинот, доғ - дунё образи, нуқта - коинот маркази (вахдат). Нуқта моҳиятни англаб етиш - бу илоҳий дунё маъносини англашдир. Ҳар бир дин, ҳар бир мафкура ранг назариясини ўзича талқин қилади. Ислом ва айниқса, тасаввуф тариқати намоёндалари ранглар назариясини инсоннинг руҳий ҳолати билан боғлашади. Кубронинг фикрига кўра, ранглар қуйидаги тартибда жойлашади: оқ, сариқ, кўк, ҳаворанг, яшил, қизил, қора. Бу еттита ранг муриднинг етти ҳил ҳолати билан боғлиқ. Оқ ранг -ислом, сариқ - иймон, кўк - ирфон, қора - ҳайрат, ҳаяжонни билдиради. Ҳар бир ранг муайян маънога эга бўлиб, у қандайдир рамзни англатади.

Кўпгина халқларда оқ ранг - софлик, бокираликни англатади. Нажмиддин Кубро ҳам бу рангни софланиш рамзи деб кўрсатади. Фақат софланишдан кейингина мурид «тариқат» йўлига кириши мумкин.

Оқ рангдан фарқли ўлароқ сариқ ранг бир ҳилдаги маънога эга эмас. Мисол учун Ўрта Осиё халқлар аجدодлари сариқ рангини қуёш нури, олов, олтин, бойлик кабиларни тенглаштирган.

Европаликлар сариқ рангни иссиқ ёзнинг тугаши ва кузнинг бошланиши билан боғлашгани учун айрилиқ тушунчасини ҳам сариқ ранг орқали ифодалайди.

Нажмиддин Кубро эса бу рангни ҳаёт ато этган Худога нисбатан муҳаббат рамзи сифатида талқин қилади.

Кўк ранг - осмон, денгиз ранги, шимол халқларида совуқ ва соя рангини, шарқликлар учун эса чексизлик ва мангуликни англатади. Кубро таълимотига кўра, у эҳсонни, янги ҳаётнинг бошланишини, гуноҳлардан покланишни ифодалайди. Ҳаво ранг - орзулар, меҳр, жозиба, оби ҳаёт рамзи. Нажмиддин Куброда у «тавба»дан кейин ҳақ йўлига кириш, ёмон ҳаёллар ва «ҳаром»дан қайтиш, Худо ман этган юмушлардан ўзини тийиш ва «ҳалол» ишга киришиш кабиларни англатади.

Яшил ранг - ҳаётнинг уйғониши, жонланиш, майсалар ва барглار рангини англатади. Куброда бу ранг муриднинг Худога чинакам эътиқод билан қалбини бағишлаган ҳолатини ифодалайди.

Қизил ранг - эҳтиёткорлик, ҳосилдорлик, гўзаллик, қувноқлик, муҳаббат рамзини ифодалаш билан бирга, ўч, душманлик, уруш, қон тўкиш кабиларни ҳам англатади.

Куброда ҳам қизил ранг руҳнинг танадан ажрала бошлаши, қалб ҳақида қайғуриш, руҳий дунёни англаш каби нотинч ҳолатлар рамзи ҳисобланади.

Қора ранг - кўпчилик халқларда қоронғулик, бахтсизлик, уқубат, мотам, узлат, махфийлик, ер ости дунёси кабиларни рангидир.

Туркий халқларда эса қора ранг куч, буюқлик, қудрат, шунингдек, мақсадни англатади. Нажмиддин Куброда ҳам қора ранг руҳнинг ўз мақсадига, яъни илоҳий дунё оstonасига яқинлашганлигини билдиради. Бу илоҳиётга эришганлик, илоҳий дунёдан ҳайратланиш рамзидир.

Кубро назариясида рангсизлик алоҳида ўрин тутати. Рангсизлик асл мақсадга эришганлик, ҳақиқий илоҳий дунё, ҳаққониятга эришганлик, ҳақиқий илоҳий дунё, ҳаққониятга етишганлик рамзи сифатида талқин қилинади.

Руҳнинг бир ҳолатдан иккинчисига (бир рангдан иккинчисига) аста ўтиб бориши руҳнинг такомиллашуви ҳисобланади. Кубро назариясида руҳнинг «ранг» ҳолатига кириш «Талаввун» деб номланади. Руҳнинг илоҳий дунё билан бирлашув ҳолати эса «Тамкин» деб юритилади.

Шогирд ўзгариб, такомиллаша бориб ўзининг руҳи шакли ва рангларини ўзгарганлигини ҳис қилиши ва бунини устозига маълум қилиб бориши лозим. Ўз навбатида устоз шогирдининг гаплари асосида унинг қайси ривожланиш босқичида эканлигини аниқлайди. Нажмиддин Кубронинг шакллар, рангларнинг руҳ дунёси ва инсон руҳи билан боғлиқлиги ҳақидаги қарашлари унинг шогирдлари ва сўфийларнинг кейинги авлодлари томонидан ривожлантирилди.

Нажмиддин Кубронинг муридлари кўп бўлган. Унинг муридлари орасидан Шайх Нажмиддин Боғдодий, Шайх Фаридиддин Аттор, Султонул уламо Шайх Баҳовуддин Валад, Шайх Саъдиддин Ҳамавий, Шайх Сайфиддин Боҳарзий, Шайх Жалолиддин Гейлий сингари кўплаб мусулмон оламига донғи кетган валий инсонлар етишиб чиққанлар. Эрон, Арабистон, Кавказ, Шому, Ироқнинг турли жойларидан келиб, улуғ шайх маърифатидан сабоқ олганлар ва улар Кубровия тариқатининг давомчиларига айланганлар. Кейинчалик Кубровия тариқатидан бир қанча шаҳобчалар ажралиб чиқиб, бутун дунёда тасаввуфнинг энг кўп тарқалган йўллариغا айланади. Бунга Ҳиндистонда Фирдавсия, Боғдодда Нурия, Хуросонда Рукния, Кашмирда Ҳамодония Эрон ва айрим ғарб мамлакатларида Америка, Англияда

“Неъматуллоҳия” ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Натижада Хоразмлик буюк шайхнинг Кубровия тариқати бутун дунёга тарқалган.

Foydalangan adabiyot ro`yxati:

1. Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. –Т.: «Ёзувчи», 1997
2. Комилов Н. Тасаввуф. 2-китоб. –Т.: «Ўзбекистон», 2000.
3. Замира Исҳоқова. Нажмиддин Кубро. –Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2011.
4. Солижон Ҳасанов. Хоразм маънавияти дарғалари. – Тошкент: “Адолат”, 2001. Б.65-66.
5. Озод Машарипов, Алишер Машарипов. Хоразмнома. – Тошкент: “Истиқлол нури” нашриёти, 2014. Б. 227-236.
6. Маънавият юлдузлари (Тўпловчи ва масъул муҳаррир - М. Хайруллаев). – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.
7. Жумабой Раҳимов. Мардлик ва жасорат тимсоли. –Тошкент: Yoshlar mediaprint, 2021, Б.6-35.
8. Бобожонов Д., Абдурасулов М. “Абадият фарзандлари” 2009./ Хоразм Маъмун академияси нашриёти, 2009.